

Исмоил Рожи ал-Форукий

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ САНЪАТИ



ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 24-СЕРИЯСИ

ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 24-СЕРИЯСИ

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ САНЪАТИ

Исмоил Рожи ал-Форуқий



Халқаро ислом тафаккури институти

Бишкек 2023

УДК 297
ББК 86.38-3
В 87

Китоб ҳомийси:
Халқаро ислом тафаккури институти
Херндон Виржиния
Билимлар интеграцияси институти
Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Исмоил Рожи ал-Форуқий
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Фарҳад Абдуллаҳ: – Б.: 2023
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №145**

Ислом цивилизацияси Санъати (Uzbek)
Исмоил Рожи ал-Форуқий
ИИТ «Даврий бўлмаган наирларнинг 24-серияси»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
1445 АН / 2023 СЕ
Paperback ISBN 978-9967-493-65-0

The Arts of Islamic Civilization (Uzbek)
Ismail al Faruqi
ИИТ «Occasional Paper Series 24»

© The International Institute of Islamic Thought (ИИТ)
1434 АН / 2013 СЕ
Paperback ISBN 978-1-56564-558-5
ИИТ
P.O.Box 669
Herndon, VA 20172, USA
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
ISBN 978-9967-493-65-0

УДК 297
ББК 86.38-3

МУҚАДДИМА

Халқаро ислом тафаккури институти Исмоил ал-Форуқийнинг “*Ислом Цивилизацияси санъати*” номли даврий бўлмаган нашрларнинг 24-сериясини тақдим этишдан мамнун. У дастлаб Исмоил ал-Форуқий ва Лоис Ламия ал-Форуқий томонидан 1986-йилда Ислом Маданияти Атласининг саккизинчи боби сифатида нашр этилиб, Ислом динининг яхлит дунёқарашини, унинг эътиқодини, анъаналарини, институтларини ва дунёдаги ўрнини ифодаловчи йирик ва нуфузли асарнинг бир қисмига айланди. Харитадаги расмлардан ташқари, бошқа барча расмлар янгиланган ва бошқача кўрсатилмаган бўлса, у асл асар эмас. Матн бобларга тегишли бўлган ҳолда, уларни асл асарда топиш мумкин.

Профессор Исмоил ал-Форуқий (1921-1986) фаластинлик-америкалик таниқли файласуф; қиёсий диншунослик бўйича билимли одам эди. Буюк замонавий ислом олими; унинг билимдонлиги Дин, Ислом тафаккури, тарих, маданият, таълим, динлараро мулоқот, эстетика, ахлоқ, сиёсат, иқтисод ва фан каби соҳаларни қамраб олувчи исломшуносликнинг бутун спектрига тарқалган. Шубҳасиз, Ал-Форуқий XX асрнинг буюк мусулмон алломаларидан бири эди. Ушбу мақолада у *тавҳидни* (яккахудоликни) унинг моҳияти ва Ислом цивилизациясига ўзлигини берадиган биринчи белгиловчи тамойил сифатида кўрсатиб, Исломнинг маъноси ва хабарини бутун дунёга тақдим этади.

1981-йилда ташкил этилган Халқаро Ислом тафаккури институти исломийқарашлар, қадриятлар ва тамойилларга асосланган жиддий илмий саъй-ҳаракатларни илгари суришда йирик марказ бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ўттиз йил ичида институтнинг тадқиқот, семинар ва конференция дастурлари тўрт юздан ортиқ асарларни инглиз ва араб тилларида нашр этиш натижаси бўлиб, уларнинг аксарияти бошқа асосий тилларга таржима қилинди.

АНАС С. АЛ-ШАЙХ-АЛИ

***Халқаро Ислом тафаккури институти
Лондон офиси илмий раҳбари***

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ САНЪАТИ

Ислом цивилизациясининг турли жиҳатларини кўриб чиқишда унинг мавжуд бўлиш сабаби ва ижодий асослари Қуръон, яъни Исломнинг Муқаддас диний китобларига асосланган деб қаралиши керак. Ислом маданияти, аслида, “Қуръон маданиятидир”, чунки унинг таърифлари, тузилмалари, мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш усуллари мелодий VII асрда Аллоҳ Таоло томонидан Муҳаммад Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга юборилган ваҳийлардан келиб чиқади. Мусулмонлар Исломнинг Муқаддас Китобидан нафақат асл моҳият ҳақидаги билимларни олади. Унинг табиат дунёси, инсон ва бошқа барча тирик мавжудотлар, билимлар, жамиятнинг соғлом ишлаши учун зарур бўлган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий институтлар ҳақидаги ғоялари, қисқача айтганда, ҳар бир маълум ўрганиш ва фаолият соҳаси ҳақидаги ғоялари бир хил даражада ишончли ва белгиловчи аҳамиятига эгадир. Бу ҳар бир фаолият соҳасининг аниқ изоҳлари ва тавсифлари том маънода 114 та сура ёки бўлимдан иборат ушбу кичик китобда келтирилган дегани эмас. Бу шуни англатадики, у бутун бир маданият ва цивилизациянинг асосий тамойилларини ўз ичига олади. Ушбу ваҳийсиз маданият пайдо бўлиши мумкин эмасди. Ушбу ваҳийсиз на Исломдини, на Ислом давлати, на Ислом фалсафаси, на Ислом ҳукуқи, на Ислом жамияти, на исломий сиёсий ёки иқтисодий ташкилот бўлиши мумкин эмас.

Ислом маданиятининг ушбу жиҳатлари, унинг асоси ва мотивациясида, ҳақли равишда Қуръоний деб қаралиши мумкин бўлганидек, Ислом цивилизацияси санъати ҳам амалга оширилиши ва мақсади жиҳатидан ўхшаш келиб чиқиши ва амалга оширилишининг эстетик ифодаси сифатида қаралиши лозим. Ҳа, Исломий санъатлар, албатта, Қуръон санъатларидир.

Бу баёнот Исломни санъатни инкор этувчи ёки тақиқловчи анъанавий этикодларга қарши қаратилган ва консерватив дин

сифатида узоқ вақтдан бери кўриб келаётган мусулмон бўлмаганларни ҳайратда қолдириши мумкин. Уламолар (олимлар) ва умматнинг эстетик иштирокини санъатнинг айрим шакллари ва турларига йўналтириш ва шу билан бирга бошқаларга қарши қаратилган саъй-ҳаракатларини нотўғри тушунган баъзи мусулмонлар учун бу ғалати туюлиши мумкин. Баъзи мусулмонлар бу кўрсатма унга раҳбарлик қилишдан кўра Ислом санъатидан воз кечишни назарда тутаяди, деб ҳисоблашган. Бу иккала қараш ҳам Ислом санъати ва унинг келиб чиқишини нотўғри тушунишдир.

Хўш, қандай қилиб Ислом санъатини ранг, чизик, ҳаракат, шакл ва товушдаги “Қуръоний” ифодаси деб ҳисобласа бўлади? Ушбу талқинни қўллаб-қувватлайдиган учта даража мавжуд.

БИРИНЧИ ДАРАЖА

Қуръон Тавҳидни ёки Трансцендентликни белгиловчи омил сифатида

Эстетик жиҳатдан ифодаланиши керак бўлган хабар: Тавҳид

Қуръон инсониятга нозил қилинган ваҳий бўлиб, яккахудолик таълимотини қайта ўргатиш учун мўлжалланган, Иброҳим, Нух, Мусо ва Исо алайҳиссаломлар каби олдинги даврлардаги кўплаб сомиий пайғамбарларига етказилган хабардир. Қуръонда яккахудолик таълимотининг янги талқини мавжуд, яъни ягона Аллоҳ Таоло ноёб, ўзгармас ва абадий Яратувчи, шунингдек, коинот ва ундаги барча мавжудотлар ва нарсаларнинг ҳукмдоридир. Аллоҳ Қуръонда кўзга кўриниб бўлмайдиган ва ҳис қилиб бўлмайдиган трансцендент (тажриба қилиб, билиб бўлмайдиган) олий Зот сифатида тасвирланган. “Кўзлар Уни идрок эта олмас... У латиф ва хабардор Зотдир”. (Қуръон, 6:103) “... У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир...” (Қуръон 42:11. У тўлиқ тав-


сифлаб бўлмайдиган ва Уни ҳеч қандай антропоморфик (одам-симон) ёки зооморфик (хайвонпарастликка асосланган) тарзда тасвирлаб бўлмайди. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло ким, қандай, қаерда ва қачон деган саволлар билан тавсифлаб бўлмайдиган Зотдир. Бу Аллоҳнинг мутлақ ягоналиги ва устунлиги ҳақидаги гоёя *тавҳид* (сўзма-сўз “бирининг яратилиши”) деб номланади.

Худонинг табиати ҳақидаги Қуръон ифодалари, шубҳасиз, инсон ёки хайвон шаклида ёки табиатнинг мажозий рамзларида бўлсин, ҳиссий воситалар орқали Худони тасаввур қилишга йўл қўймайди. Аммо, бу Қуръоннинг хабарлари Ислоом санъатига олиб келадиган ҳамма нарса эмас. Ислоом санъатининг бутун иконографиясига *тавҳиднинг* Қуръон таълимоти ёки Ислоом яккахудолиги сезиларли таъсир кўрсатганлигини топамиз. Агар Худо бутунлай ғайритабиий бўлса, охир-оқибат Ўзининг яратганидан жуда фарқ қилган бўлса, демак, бу Ислоом ўзининг янги йўлини бошлаганида зарур бўлган Унинг табиий тасвирларни шунчаки салбий тақиқлаш эмас эди. Бу аввалги даврда яҳудийлик издошлари томонидан амалга оширилган сомиё қалбининг эстетик ютуғи эди. Яҳованинг суратлари барча яҳудий пайғамбарлар томонидан, шунингдек, Мусо қонунининг (ўнта муқаддас бурч) таниқли Иккинчи Амрида кескин қораланган. Ҳатто Худонинг исмини айтиш ҳам маъқул деб топилмаган. Бунинг ўрнига, Яхова (Yahweh) исмининг тўртта ундоши ёки бошқа қисқартмалар кўпинча яҳудийлар Худосининг ёзма рамзи бўлиб хизмат қилган.

Асрлар давомида бегона анъаналарнинг (Юнон-римликлар ва уларнинг эллинистик авлодлари) эстетик таъсири сомиё Шарқининг кўплаб минтақаларига ўз таъсирини ўтказгандан сўнг пайдо бўлган Ислоом эстетик ифода этишнинг янги услубига эҳтиёж сезди. Янги мусулмонларга жамиятнинг асосий мафқураси ва тузилмаларини мустаҳкамловчи ва унинг таъмоийилларини доимо эслатиб турувчи эстетик томоша қилиш ва завқланиш объектларини таъминлай оладиган эстетик услубга (режимга) муҳтож эдилар. Бундай санъат асарлари ушбу трансцендент Зот тўғрисида хабардорликни кучайтирар эди. Шунин-

гдек, барчанинг мақсади ва инсон мавжудлигининг маъноси Унинг иродасини бажариш бўлар эди. Ислом эстетикасининг бу йўналиши ва мақсадига инсон ва табиатни тасвирлаш орқали эришиш мумкин эмас эди. Буни идрок этувчини ҳақиқатни ички ҳис билан сезиб англашга олиб борадиган бадий ижод ҳақида мулоҳаза юритиш орқалигина амалга ошириш мумкин эди, чунки Аллоҳ Таоло ўз яратганидан шунчалик фарқ қиладики, Уни таърифлаб бўлмайди ва ифодалаб бўлмайди.

Эстетик ижодкорликка бўлган бу чақирикни илк мусулмонлар қабул қилганлар. Улар Сомий, Византия ва Сосоний ўтмишдошларига маълум бўлган мотивлар ва усуллар билан ишлашганлар. Улар зарурат ва илҳом пайдо бўлиши билан янги мотивлар, материаллар ва техникаларни ишлаб чиққанлар. Мусулмонлар ва сиёсий ҳокимият дин билан бирга Ғарбда Испаниядан Шарқда Филиппингача бўлган ҳудудларда тарқалиб кетишига қараб дунёнинг турли хил бурчакларида ўзлаштирилиши ва мослаштирилиши керак бўлган янги бадий ифода услубларини яратиши янада муҳимроқ эди.



Харита, 25

Ер, Ал-Шориф ал-Идрисийга кўра, 562/1177

Ушбу янги усуллар мусулмон дунёсида минтақавий хилма-хилликни бостирмасдан ёки тақиқламасдан асосий эстетик бирликни таъминлади.

Ислом санъати “*Лаа илааҳа иллаллоҳ*” баёнотининг “*Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У инсондан ўзга ва табиатдан бошқа*” деган салбий маъносига жавоб бериши зарур эди. Лекин бу ҳам Худо нима эмаслигини эмас, балки Худо нима ва ким эканлигини таъкидлайдиган тавҳиднинг ижобий жиҳатини ифодалаши керак эди. Ислом таълимоти ўргатган Трансцендентликнинг энг муҳим жиҳати шундаки, Худо ҳар томонлама – адолатда, раҳм-шафқатда, билимда, муҳаббатда чексиз ва ҳаддан зиёддир. Кимдир Унинг кўплаб аломатларини санаб ўтишга ёки Унга нисбатан ушбу белгилардан бирортасини таърифлашга қанчалик тўлиқ ҳаракат қилмасин, уриниш муваффақиятсизликкаучрайди.² Унинг фазилатлари ҳар доим инсон тушунчаси ва тавсифидан ташқаридадир. Бинобарин, на ибтидоси, на охири бўлган ва чексизлик таассуротини берадиган намуна тавҳид таълимотини санъатда ифодалашнинг энг тўғри йўлидир. Айнан шу мақсадда яратилган тузилмалар эса мусулмон халқларининг барча санъатларини таърифлайди. Мана шу чексиз намуналар ўзларининг барча моҳирона хилма-хиллиги билан бадиий ижод тарихида мусулмонлар учун ижобий эстетик ютуқни таъминлайди. Ушбу чексиз намуналар орқали Ислом хабарининг нозик мазмунини сезиш мумкин.

Мусулмонларнинг санъати кўпинча чексиз нақш санъати ёки “чексизлик санъати” деб аталади.³ Ушбу эстетик иборалар “ислимий” (арабеска) деб ҳам номланади.⁴ Ислимий, баъзи манбаларда белгиланганидек, мусулмон халқлари томонидан такомиллаштирилган баъзи бир махсус барг нақшлари билан чекланиб қолмаслиги лозим.⁵ Бу шунчаки хаттотлик, геометрик шакллар ва маълум услубга солинган ўсимликсимон шаклларида фойдаланадиган мавҳум икки ўлчовли нақш эмас.⁶ Аксинча, бу Ислом мафқурасининг эстетик тамойилларига мос келадиган структуравий шаклдир. Ислимий томошабинда макон-вақтдан ташқарида бўлган нарсаларнинг абадийлик


сифати сезгисини келтириб чиқаради. Лекин у бундай кўришнишни мусулмонлар учун нақшнинг ўзи ташқарида бўлган нарсани билдиради деган беъмаъни даъво қилмасдан туриб уйғотмоқда. Ушбу чексиз нақшларни ўйлаб, қабул қилувчининг онги илоҳийга мурожаат қилади ва санъат диний эътиқодни мустаҳкамловчига айланади.

Ислом санъати мавжудлиги маъносини бундай талқин қилиш ушбу санъатни тасвирий санъатдан воз кечиши ва унинг ўрнига мавҳум сабабларга эътибор қаратиш билан боғлиқ кўплаб кенг тарқалган нотўғри тушунчаларни инкор этади. Масалан, у мусулмон табиатга иллюзия сифатида қарайди деган тушунчани рад этади. Мусулмон учун табиат Худонинг инсоният ва ҳайвонот олами каби ҳақиқий, асосли ва мўъжизавий яратилишининг бир қисмидир. Дарҳақиқат, табиат Яратувчининг қудрати ва раҳм-шафқатининг исботи сифатида қаралади. (Қуръон, 2:164, 6:95-99, 10:4-6, ва ҳоказо) Табиатни кичрайтириш керак бўлган ёвузлик сифатида кўриш исломий ғоя деб ҳам баҳслашолмайди. Қандай қилиб мусулмон одам Худонинг яратилишини ёвузлик деб ҳисоблаши мумкин?

Табиат Қуръонда одамзотнинг фойдаланиши ва фойдаси учун тақдим этилган мукамал ва чиройли мўъжизалар майдони сифатида тасвирланган. (Қуръон, 2:29, 78:6-16, 25:47-50, ва ҳоказо) Мусулмонлар учун табиат, гарчи ўзининг хилма-хиллиги ва мукамаллиги билан ажойиб бўлса ҳам, фақат одамлар олий бир доира ёки мақсад иродасини бажариш учун ҳаракат қиладиган театрدير. Мусулмон учун ушбу олий сабаб, “Энг Буюк” Худодир. Аллоҳу Акбар – бу иймонни ифодаловчи ҳамма жойда мавжуд бўлган мусулмонларнинг миннатдорчилик, ҳайрат, ташаккур ва илҳом нидоси. Бошқа халқлар ва турли маданиятлар инсонни “ҳамма нарсанинг ўлчови” ёки табиатни якуний белгиловчи сифатида кўришлари мумкин бўлса-да, мусулмон одам Худонинг мурасасиз трансцендентлигида Аллоҳга эътиборини қаратган.⁷ Шундай қилиб, Ислом санъати ҳам худди Қуръони Каримга ўхшаш мақсадни кўзлайди – инсониятда илоҳий трансцендентликни идрок этишни ўргатиш ва мустаҳкамлашдир.

Тавҳиднинг эстетик ифодаланиш хусусиятлари

Бу Қуръон ва Ислом санъати ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлган ягона усул эмас. Унда Тавҳид ҳақидаги Қуръон таълимоти талаб қилган чексизлик ва трансцендентлик таассуротини яратиш учун мусулмонлар ихтиро қилган эстетик хусусиятлар ҳам мужассамлашган. Чексизлик ва трансцендентлик таассуротини рағбатлантириш учун ушбу таълимот эстетик таркиб ва шакл орқали қандай таъкидланади?



Марварид билан безатилган ва туя суяги қадалган Яқин Шарқ ёғоч тарелкаси. Тарелканинг тўлиқ кўриниши. Бўялган эмас.

АБСТРАКЦИЯ. Ислом санъатининг чексиз нақшлари биринчи навбатда мавҳумдир. Умуман олганда, мажозий тасвир мавжуд бўлмаса-да, Ислом санъатида натуралистик шакллар камдан-кам учрайди деган далиллар оз. Табиатдан олинган шакллар ишлатилган тақдирда ҳам, улар денатурализация ва стилизациялаш усулларига дуч келишади, бу уларни табиат ҳодисаларини аниқ тасвирлашдан кўра натурализмни инкор этувчиларнинг ролига кўпроқ мослаштиради.

МОДУЛЛИ ТУЗИЛИШ. Исломий санъат асари катта дизайнни яратиш учун бирлашадиган кўплаб қисмлардан ёки модуллардан иборатдир. Ушбу модулларнинг ҳар бири энг авжи ва мукамаллик ўлчовини ўз ичига олган моҳиятдир. Бу, ўз навбатида, уни ўз-ўзидан ифодаловчи ва қониқарли бирлик сифатида, шунингдек, каттароқ комплекснинг муҳим қисми сифатида қабул қилиш имконини беради.




*Туркиянинг Кўния шаҳридан
XIII аср гиламида ҳайвонлар-
га ўхшатишган расми.
[Туркия ҳукумати Маданият
ва Туризм Вазирлиги томони-
дан тақдим этилган]*

КЕТМА-КЕТ БИРИКМАЛАР. Овоз, кўриш ва ҳаракатнинг чексиз нақшлари асосий модулларнинг кетма-кет бирикмаларини ва/ёки уларнинг такрорланишидан далолат бермоқда. Шундай қилиб, ўзларининг мустақил ҳолати ва ўзига хослигига эга бўлган каттароқ биргаликдаги ва қўшимча бирикмалари ҳосил бўлади. Исломиётнинг асарларидаги кетма-кет ортиб бораётган комбинациялар ҳеч қандай тарзда улар таркибидаги кичик бирикмаларнинг ўзига хослиги ва хусусиятини бузмайди. Ҳатто бундай каттароқ комбинациялар ҳам ўз навбатида такрорланиши, ўзгариши ва бошқа кичикроқ ёки каттароқ нарсалар билан бирлаштирилиб, янада мураккаб бирикмалар ҳосил қилиши мумкин.

*Мис лагандаги арабча
ўйма нақи.
(Ислоний Қоҳира)*



Шундай экан, чексиз нақшда кичикроқ модуллар, моҳиятлар ёки мотивларнинг кетма-кет комбинацияларини идрок этишда бошдан кечирилиши мумкин бўлган кўплаб “турлар” ва кўплаб эстетик қизиқиш марказлари мавжуд. Ҳеч қандай дизайнда энг авжига чиққан ёки яқунловчидикқатига қараб ягона эстетик бошланғич нуқтаси ёки прогрессив ривожланиш йўқ. Аксинча, Исломий дизайн битмас-туганмас қизиқиш марказларига ёки диққат марказларига, шунингдек, бошланишни ёки қатъийохирини ўрнатишга имкон бермайдиган ички идрок тартибига/усулига эга.




Қутлуг Ақа мақбараси (Шоҳизинда, Самарқанд)

ТАКРОРЛАШ. Санъат мавзусида чексизлик таассуротини яратиш учун зарур бўлган тўртинчи хусусият – бу юқори даражадаги такрорлашдир. Ислом санъатнинг қўшимча бирикмалари чексиз давом этадиганга ўхшайдиган мотивлар, структуравий қисмлар ва уларнинг кетма-кет комбинацияларининг такрорланишидан фойдаланилади. Абстракция таркибий қисмларни индивидуаллаштиришнинг тўхтатиши ва чеклаши билан

кувватланади ва мустаҳкамланади. Бу лойиҳадаги битта қисминг бошқасидан устун бўлишига имкон бермайди.

ДИНАМИКЛИК. Исломий дизайн “динамик”, яъни вақт синовидан ўтиши керак бўлган дизайндир. Боас санъат асарларни вақтга ёки маконга асосланган деб таърифлаган.⁸ Унинг фикрича, замонга асосланган санъат адабиёт ва мусиқани ўз ичига олади, макон санъати эса тасвирий санъат ва меъморчиликдир. Ракс ва драма Боас томонидан замон ҳамда макон таркибий қисмларидан фойдаланадиган санъат сифатида таснифланмоқда. Гарчи ушбу тавсиф Ғарб маданияти санъатларини таснифлаш учун муҳим бўлиши мумкин бўлса-да, бу Ислом санъатларини тушунишда чалғитади. Албатта, бу ерда замон ва маконнинг юзаки ёки аниқ жиҳатлари қўлланилади. Масалан, адабий ёки мусиқий асар одатда бир қатор вақтинчалик эстетик воқеалар орқали қабул қилинади. Адабиётда бадий маҳсул ё ўқиш орқали ёки унинг декламациясини (ифодалаи ўқишини) тинглаш билан идрок қилинади, мусиқага келсак, ижрода қатнашиш ёки уни тинглаш орқали қабул қилинади. Камдан-кам ҳолларда мусиқий ижро партитурадан “ўқилиши” мумкин. Бошқа томондан, тасвирий санъатлар ва меъморий ёдгорликлар макондан фойдаланмоқда. Улар жисмоний маконни эгаллайдилар ва уларни яратиш учун фазога оид таркибий қисмлардан (нуқталар, чизиқлар, шакллар ва ҳажмлар) фойдаланадилар.

Туркиянинг Кўния шаҳридаги Мавлоно мақбарасининг тиловатхонасида қадимий Киршеҳир жойнамоз гилами. Жойнамоз дизайн жимжамали безаклар ва модулларининг кўплаб «кетма-кет бирикмаларини» ўз ичига олади.





Тиллақори мадрасаси, Самарқанд, 1646-1660


Боас томонидан кўрсатилган ушбу хусусиятларни тан олган ҳолда, агар биз Исломиё санъатларни тўғри тушунишни иста- сак, кимдир уларни яхшироқ баҳолаш учун олдинга бориши лозим. Юқорида тилга олинган ташқи замон ёки макон хусу- сиятларидан ташқари, яъни умумбашарий аҳамиятга эга деб ҳисобланиши мумкин бўлган хусусиятлардан ташқари, Ислом санъатининг ҳар бир асари янада нозик даражада кучли ва ноёбдир. Аслида, Ислом маданиятидаги тасвирий санъат, гарчи у фазога оид унсурлар билан боғлиқ бўлса ҳам, одам ихтиёри- дан ташқари идрок қилиниши мумкин эмас.


Чексиз нақшнинг кўп ва хилма-хил қисмларини ҳеч қачон бир қараш, бир лаҳзадакўздан кечириб, англай олиш, тўғри шарҳлаббўлмайди. У диққатни, фикрни кетма-кет тушунилиши керак бўлган бир қатор қарашлар ёки идрок қилишларга қарат- ган. Нигоҳ нақшдан нақшга, икки ўлчовли расмнинг маркази- дан марказига ўтади. Ушбу меъморий ёдгорлик унинг хоналари,

йўлаклари, гумбаз бўлмалари, бўлинмалари орқали кетма-кет идрок этилади. Ҳатто бино ёки бинолар мажмуаси ҳам узокдан бир бутунлик сифатида идрок қилинмайди, мажмуани меҳмон уларнинг қатор бўлимлари ва хоналари бўйлаб ҳаракатланаётганда аста-секинлик билан қабул қила олади.⁹

Бадий миниатюралар, шунингдек, адабиёт, мусиқий ифода ёки рақс каби санъатда бўлгани каби, секин-аста ва кетма-кет бошдан кечирилиши керак бўлган бир қатор қаҳрамонларни, парда (бўлим)ларни тақдим этади. Ислом санъати макон санъати ёки вақт санъати деб аталадиган санъатларга тегишли бўлишидан қатъий назар, у изчил идрок этилади. Тасаввур, тарелка, китоб саҳифаси, девор панели ёки бинонинг олд томонидан ташқарига ҳам кенгайиб борадиган кенг қўламдаги такрорланадиган нақшнинг давомини тахмин қилишга ҳам ундайди. Бир хил меъморий чексиз нақшни тўлиқ идрок этиш фақатгина унинг юзалари бўйлаб ва вақт кетма-кетлигида бўшлиқлари орқали ҳақиқий ёки ҳаёлий ҳаракатлардан сўнг бўлиши мумкин.

*Джеймс Ф.
Балларднинг Бурса
шаҳридан
жойнамоз гилами,
XVI аср охири.*





*Марокашда Фоснинг тарихий
Мадинадаги (ички шаҳарда)
анъанавий ёғоч ўриндиқ (кўк ва
оқ кошинкор девор фониди)*

Ардалан ва Бахтиёр “ҳаракатлантирувчи меъморчилик му-
сиқий асарига ўхшайди”, деб гапиришади.¹⁰ Бутунликни бир
вақтнинг ўзида идрок этиш мумкин эмас, натижада, фақат унинг
кўплаб таркибий қисмларини бошдан кечирган ва завқланган
бутунни билаб олади.¹¹

Бинобарин, баъзида нотўғри шарҳловчилар даъво қилиш-
гандек, ислимий ҳеч қачон статик (ҳаракатсиз) композиция
бўла олмайди.¹² Аксинча, уни тушуниш ва баҳолаш унинг ҳар
бир мотивлари, модуллари ва кетма-кет бирикмаларини изчил
ўрганадиган динамик жараёни ўз ичига олиши зарур. Унинг
хабарини ва тузилишини тушунадиганлар учун бу санъат тур-
лари орасида динамик жараёни кучли, эстетик жиҳатдан энг
фаолдир.¹³ Бундай ҳолатда замон ва макон санъати тажриба
ва тушуниб етиш билан белгиланадиган бошдан кечиришни ва
идрокни талаб қилади.



Форс миниатюраси: Жамоллиддин Муҳаммад ас-Сиддиқ ал-Исфаҳоний – Баҳромгўр бир аждарни ўлдирар.


МУРАККАБЛИК. Мураккаб тафсилотлар Ислом санъатини белгилайдиган олтинчи хусусиятдир. Мураккаблик ҳар қандай нақш ёки ислимийнинг томошабин эътиборини жалб қилиш қобилиятини оширади ва уларни тақдим этилган таркибий унсурларга қаратишга мажбур қилади. Тўғри чизик ёки алоҳида шакл, қанчалик нафис билан бажарилган бўлмасин, ҳеч қачон Ислом нақшининг ягона иконографик материали бўла олмайди. Чексиз нақшнинг динамизми фақат ички унсурларни кўпайтириш, шунингдек, бажариш ва бирлаштиришнинг мураккаблигини ошириш орқали яратилиши мумкин.

ИККИНЧИ ДАРАЖА

Қуръон санъат намунаси сифатида

Ислом санъати Қуръоннинг ғоявий хабари билан белгиланганидан ташқари, мусулмон халқларининг Муқаддас диний

китоб эстетик ижод ва ишлаб чиқариш учун биринчи ва асосий намуна бўлиб хизмат қилган деган маънода ҳам “Қуръонийдир”. Қуръон “Ислолдаги биринчи санъат асари” деб тавсифланган.¹⁴ Қуръонни Муҳаммад Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг асари сифатида кўриб, мусулмон бўлмаганлар томонидан кўп марта такрорланган ва мусулмонлар томонидан қатъиян рад этилган деб тушунмаслик керак. Аксинча, мусулмонлар Муқаддас Битикни шаклан ҳам, мазмунан ҳам, ҳарфларда ҳам, ғояларда ҳам илоҳий эканлигига ишонишади. Улар Қуръони Карим Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалломга Аллоҳ томонидан аниқ сўзлар билан нозил қилинган, шунингдек, унинг оят ва суралардаги ҳозирги тартибини Худо томонидан буюрилган деб ҳисоблайдилар.



Ал-хумро саройидаги ўймакор равоқ

Қуръоннинг мазмуни ва шакли юқорида таъкидлаганимиздек, Ислол санъатининг чексиз намуналарини ифодаловчи барча ўзига хос хусусиятларни тақдим этмоқда. Қуръони Каримнинг ўзи чексиз шакллантиришнинг энг мукамал намунасидир. У адабий санъат, тасвирий санъат (ҳам безакда, ҳам

меъморий ёдгорликларда) ва ҳатто товуш ва ҳаракат санъатларидаги (21-бобга қаранг) келажакдаги барча ижодларга таъсир кўрсатиши керак бўлган мисолдир.¹⁵ Қуръон адабий асар сифатида унинг шеърий насрини ўқиган ёки эшитган мусулмонларга юксак эстетик ва ҳиссий таъсир кўрсатди. Кўплаб одамларнинг янги динга айланишлари аслида Қуръон қироатининг эстетик кучи туфайли амалга оширилган. Бундан ташқари, кўпчилик инсонлар унинг қироатини тинглаб, кишилар қандай йиғлагани ёки ҳатто ўлгани ҳақида сўзлайдилар.¹⁶ Ҳатто ғайримусулмонлар ҳам унинг адабий мукамаллигидан чуқур таассуротда қолдилар. Қуръони Каримнинг мислсиз мукамаллиги унинг ижози (*i'jāz*) ёки “қобилиятсиз ва яроқсиз қилиш қудрати” сифатида белгиланган.

Қуръони Каримнинг Ислом маданиятига қўшган ушбу ҳисса асрлар давомида кўплаб маданиятлар ва кўплаб халқлардан ўзлаштирилган сон-саноксиз бадиий мотивлар, усуллар ва услубларни қабул қилиш, шунингдек, улардан фойдаланишни шакллантирган. Айнан шу моҳият ушбу материаллар ва ғояларни қабул қилишни шакллантирган, шунингдек, янги мотивлар ва усулларни яратишни белгилаб берган. Исломий тавҳид хабарининг олижаноб тимсоли Ислом санъатининг келажакдаги барча мисоллари учун меъёр ва юксак орзуга айланиши керак эди. (19-бобга қаранг)


Қуръон юқорида айтиб ўтилган Ислом санъатининг олти хусусияти учун биринчи намунани тақдим этмоқда. Биринчидан, Қуръон реалистик ёки натуралистик тавсифга урғу бериш ўрнига, ривоятнинг ривожланишини адабий ташкилий таъмоил сифатида рад этишидан далолат беради. Муайян воқеаларга ҳаволалар (ўқувчилар аллақачон ҳикоялар ва қаҳрамонлар билан таниш бўлгандек) парча-парча ва қайта эслатиб ўтилган ҳолда кўриб чиқилади. Асосий мақсад ҳикоя қилиб бериш эмас, балки ибратли ва ахлоқийликдир. Асар тартибининг ўзи (узунроқ, кўпроқ насрий Мадина суралари бош қисмида, қисқароқ, шеърий Макка суралари эса охирига жойлашган) Қуръоннинг мавҳум сифатига ҳам ҳисса қўшади. Оятлар ўқувчини кескин

фарқ қиладиган ва кучли таассурот қолдирадиган кайфиятларга олиб бормайди. Бунинг ўрнига, ўқувчи мавхум бўлиб кўринадиган ёки ўзига хос таърифдан ажралган ҳис-туйғулар билан бошқарилади. Оятлар ва суралар, албатта, тингловчида ҳиссиётларни уйғотади, аммо улар алоҳида кайфиятни келтириб чиқармайди.

Иккинчидан, Қуръон, Исломий санъат асари сингари, мустақил равишда қоникарли бўлимлар сифатида мавжуд бўлган адабий модулларга (оят ва сураларга) бўлинган. Уларнинг ҳар бири тўлиқ ва ундан олдин ёки ундан кейин нима бўлганига боғлиқ эмас. Модуллар маълум бир кетма-кетликни талаб қиладиган узвий ўзаро алоқага эга эмас. Унинг қироатида сукунат даврлари (*waqfāt*) мусиқий ижронинг товуш модулларига аниқ бўлинишини таъминлайди. (23-бобга қаранг)

Учинчидан, Қуръоннинг сатрлари ва оятлари бирлаштирилиб, узунроқ моҳиятлар ёки кетма-кет бирикмалар ҳосил қилади. Булар қисқа боблар ёки узунроқ боб ичидаги бўлимлар бўлиши мумкин. Масалан, ўнта оят ушрни ташкил қилади. Бир қатор “ушрнинг бўлинишлари” рубъни ёки “чорак”ни тузади. Тўртта “чорак” бирлашиб, ҳизб ташкил этадилар. Иккита ҳизб жузни (пора) тузади ва тўлиқ Қуръонда ўттиз жуз (пора) мавжуддир. Ҳатто оятларнинг модуллари ҳам сўнгги қофиялар ва оҳангдошликка кўра алоҳида сатрларга бўлинмоқда.

Маъноси бузилмас экан, оятларнинг ушбу бирикмаларининг тўхташ жойлари бошқача бўлиши мумкин. Қуръон қироати битта суранинг якуни билан тугаши мумкин, шунингдек, иккита ёки ундан кўпроқ сурани қамраб олган бўлса ҳам, ҳар қандай оят ёки оятлар гуруҳидан сўнг тўхтаб қолиши мумкин. Мусулмон “ма таяссарани” (*mā tayassara*, “нима бўлаётганини”), яъни, у ҳозир ўқишни ёки эшитишни хоҳлаган ҳамма нарсани ўқийди ёки эшитади. Шундай қилиб, қироатнинг олдиндан белгиланган узунлиги, бошланиши ва охири йўқ. Бу эса якуний ривожланиш ёки тўлиқлик таассуротини қолдирмайди.



Харита 26. Абу Райҳон Ал-Берунийга кўра ернинг кўриниши, 430/1048

Ислом маданиятининг барча санъатларида учрайдиган тўртинчи хусусият – бу такрорланадиган воситаларнинг мўллагидир. У Қуръон тимсолида тенг равишда намоёиш этилган. Қуръони Каримда товушли ёки ўлчайдиган такрорлашга олиб келадиган шеърий усуллар бой бўлмоқда. Бир бўғинли ёки кўп бўғинли сўнгги қофияларнинг тез-тез учрайдиган ҳолатларидан ташқари, Қуръон сатрлар ичида кўплаб қофияларни ўз ичига олади. Ушбу адабий асар ўлчайдиган бирликларнинг, унли ва ундошларнинг такрорланишига сероб, шунингдек, уни шеърий жиҳатдан жонлантиради. Нақарот иборалар ва сатрлар ҳам ибратли, ҳам эстетик хабарни мустаҳкамлаш учун яна ва яна қайтиб келади. Фикр ва нутқ услубларининг такрорланиши нотиклик ёки балоғатнинг (*balāghah*) унсурларидан бири ҳисобланади. Айнан шу нотиклик мусулмонларнинг Қуръони Карим ҳақиқатан ҳам мўжизавий ва шунинг учун Аллоҳнинг абадий каломи эканлиги ҳақидаги далилларига асос бўлиб хизмат қилган.

Ислом маданияти тасвирий санъатининг бешинчи мисли кўрилмаган хусусиятини, яъни вақт ўтиши билан уни бошдан кечириш заруратини, Қуръони Каримда кутиш керак, чунки барча адабий асарлар замон санъати саналади. Бироқ, бу ҳолда ҳам, барча Ислом санъатларида бўлгани каби, ривожланишни ягона асосий авжига ва ундан кейинги якунига эътиборсиз қолдирадиган изчил идрок этиш ва қадрлаш жараёни мавжуд. Умумий бирлик таассуротлари заиф бўлиб, унинг алоҳида қисмларини изчил идрок этиш орқалигина ўқувчи ёки тингловчи бутуннинг маъносини англаши мумкин.

Бошида Қуръон олиб юрган мусулмон аёл. Жоло, Сулу вилояти, Филиппин. [И. Е. Уиншип томонидан тақдим этилган.] (Исломнинг Маданий Атласида тақдим этилгандек, асл нусхадан олинган)




Мураккаблик тенг равишда Қуръон намунасига кўра қилинган мусулмон халқлари санъатининг олтинчи хусусиятидир. Параллеллик, антитеза, тавтология, истиора, қиёслаш ва аллегория Қуръонда сўз бойлиги ва муфассал тараққиётини таъминловчи кўплаб шеърий воситаларнинг бир қисмидир. Ушбу унсурларнинг тарқалиши унинг парчаларини эшитган ёки ўқиганларни Қуръоннинг гўзаллиги ва нотиклигига қойил қолдиради.

УЧИНЧИ ДАРАЖА

Қуръон бадий иконография сифатида

Қуръон нафақат Ислом цивилизациясини ўз санъатида ифодалайдиган мафкура билан таъминлаган, балки У бадий мазмун ва шаклнинг биринчи ва энг муҳим намунасини тақдим этган. У Ислом санъати иконографияси учун энг муҳим материални ҳам таъмин қилган.

VII аср мусулмонларининг сомий ўтмишдошлари орасида адабий урғу ва мукамалликнинг қадимги анъаналари яхши маълум. Уларнинг адабий ижодга бўлган қизиқиши ва маҳоратига қараб, ёзув санъати сомий халқлари томонидан дастлабки босқичда ривожланган. Ёзув Месопотамиянинг Исломгача бўлган маданиятларида минг йиллар давомида тасвирий санъатнинг таркибий қисми сифатида ишлатилган. Шумерлар, бобилликлар ва оссурияликларнинг кўплаб бадий рельефлари ва ҳайкалларида ёзма тасмалар топилган. Булар эса ушбу халқларнинг баъзиларидир.¹⁷ Бироқ, исломгача бўлган хаттотлик ёзувларининг бу вазифаси биринчи навбатда мантиқий фикрлашга асосланган. Ёзув кўз билан қараб қилинадиган тасаввурнинг маъносини тушунтириш учун мантиқий илова сифатида ишлатилган. Бадий асарларда ёзувдан бундай фойдаланиш Византия санъатида давом этган. Исломнинг пайдо бўлиши билан ёзув ва хаттотлик шунчаки мантиқий рамзлар-



Харита, 26

Абу Райхон Ал-Берунийга кўра ернинг кўриниши,
430/1048

дан эстетик ва тўлиқ иконографик материалларга айлантирган чуқур ўзгартиришга учраган.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши тасодифан содир бўлмаган. Аксинча, бу мусулмонларнинг эстетик туйғуси ва хулқ-атворига Қуръонтаъсирининг яна бир асосий ўлчови сифатида қаралиши мумкин. Мусулмон учун санъатнинг мақсади – одамларни ягона трансцендент Худонинг халифалари сифатида Қуръон ҳақида фикр юритиш ва зикр қилишга йўналтиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун Қуръони Каримнинг шоирона илҳом берувчи парчаларидан кўра кўпроқ мос восита топилмайди.

Гарчи Худо ҳақиқатан ҳам табиатдан ва тасаввурдан ташқарида бўлса-да, Муҳаммад Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга ваҳий қилинган Унинг каломи илоҳий трансцендентликни бузишдан қўрқмасдан томошабин ёки тингловчига Уни эслатиб туради.

*Куббат ас-Саҳро (“Қоя гумбази”) Қуддус,
милодий 691-йилда қурилган.*




Шундай қилиб, Қуръони Карим Ислом санъати асарлари учун намунали иконографик материалдир. Милодий VII асрдаёқ бу интилиш, Қуддусдаги Қоя гумбазининг (Қуббат ас-Сахро) безакларида яққол намоён бўлган. Қуръондан келтирилган иқтибосларни ўз ичига олган кенг декоратив дастурга эга бўлган ушбу ёдгорлик Умавийлар халифаси Абдулмалик томонидан 71/691-йилда қуриб битказилган. Қуръон иборалари ва парчаларидан доимий ва самарали фойдаланиш туфайли мусулмон халқларининг санъати доимо *тавҳидни* эслатиб туриши зарур бўлган.

Қуръоннинг кўришга тегишли бўлган ва дискурсив мотивларнинг самарадорлиги, яхшиланиши ҳамда яроқлилиги тўғрисида хабардорлик Ислом маданияти ва санъатига оид бир-бирига боғлиқ бўлган кўплаб таъсирларни келтириб чиқарган. Араб ёзувининг хайратланарли даражада жадал ривожланиши, унинг ўта мослашувчан шакллар каталогига айланиши, ўзига хос услубларнинг фавқулодда тарқалиши ва бадий асарларда хаттотлик материалларидан кенг фойдаланиши шулар жумласидандир. Қуръондан парчаларни киритиш ҳар доим пухталиқ, эҳтиром ва мукамаллик билан амалга оширилиши керак. Бинобарин, чиройли ёзув ёки хаттотлик санъати мусулмонлар орасида ҳайрон қоларли даражада зукколик ва тезлик билан ривожланган.

На Исломдан олдинги, на Исломдан кейинги бирорта хаттотлик ўзидан араб ёзувидан талаб қилинадиган бундай тез ёзув, эгилувчанлик ва мутаносибликни ҳамда аниқликни талаб қилмаган. Ҳарфлар турли шакл ва ўлчамларда тузилганлиги сабабли кенгайтмалар ва қисқаришлар баландлик ва кенглик бўйича таҳлил қилинган. Кўплаб ёзув услублари алоҳида ишлатилган ёки хаттотлик бўлмаган мотивлар билан бирлаштирилган. Барча мумкин бўлган бурчакли ва юмалоқ шакллардаги ёзувлари мусулмон халқлари томонидан яратилган. Мусулмон оламидаги энг қизиқарли замонавий эстетик интилишлари ҳақиқатан ҳам мусулмон халқларининг ушбу энг машҳур бадий мавзуси атрофида ривожланмоқда.

Мусулмоннинг фикрлаши, ҳар бир хатти-ҳаракати диний алоқани ёки таърифни ўз ичига олганлиги туфайли, Худонинг каломларини барча мумкин бўлган декоратив схемаларга, ҳар бир эшитиш ва кўриш тажрибасига киритиш мақсадга мувофиқдир.¹⁸ Исломи тарихининг барча асрларида ва мусулмон дунёсининг барча бурчакларида Қуръондан парчалар нафақат диний аҳамиятга молик бўлган нарсаларда, балки матолар, кийим-кечак, идишлар-товокларда, кутилар ва мебелларда, девор, биноларда, ҳатто оддий қозонларда ҳам безак мотивлари сифатида ишлатилган. Бундай ҳолат адабий ва вокал санъатида ҳам учрайди ва сезилади. Қуръондан парчаларни акс эттирувчи чиройли хаттотлик киритилиши билан Исломи санъати асари нафақат Қуръоннинг дискурсив (мантикий фикрлашга асосланган) таъсирини, балки Қуръоний эстетик таърифини ҳам белгилайди. Ҳатто ёзувларда такводор сўзлар, мақоллар, Худо, Пайғамбар ёки диний арбобларнинг исмлари, қурилиш, ҳомийлик ёки рассомнинг тафсилотлари каби Муқаддас диний Китоб парчаларидан бошқа материаллар келтирилган бўлса ҳам, Араб ёзувининг ифодали ва чиройли мисолларига эътибор қаратилади. Работдан Минданаогача, Канодан Самарқандгача Араб ёзувида ёзилган Қуръондан парчалар санъатнинг энг ҳурматли элементи га айланган. Дунёнинг бошқа ҳеч қандай эстетик анъаналарида хаттотлик санъати ёки алоҳида китоб бундай ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган.


Сўнгги йилларда бир қатор олимлар Исломи санъатининг рамзий табиати ҳақида ёздилар.¹⁹ Уларнинг баъзилари мусулмон бўлмаганлар, бошқалари мусулмонлардир. Бироқ, иккала ҳолатда ҳам, ушбу ёзувчилар деярли бутунлай Ғарб муҳитида туғилган ёки маълумот олганлардир.



Харита, 28

Аҳмад Ибн Моҷидга кўра Ҳинд океани (10/17-аср)

Кисва (Каъбани ёпиб турадиган чойшаб) устига олтин ва сариқ ин билан нақшланган Қуръон оятлари.




Уларнинг рамзий маъносини Ислом санъатига қўшиш шунчаки санъатда, шеъриятда, ранг, чизиқлар, шакллар, товушлар, ҳаракатлар ва бошқаларда мавхум ғояни ифодалаш усули деган умумий қабул қилинган тушунчани англатмайди. Шу маънода, албатта, барча санъатлар рамзий маънога эгадир. Юқоридаги ёзувчилар Ислом санъатининг рамзий маъноси деб ҳисоблаган нарсалар ҳақида кўпроқ маълумот берадилар. Улар учун Ислом санъатида ишлатиладиган шакллар, ташқи кўринишлар, объектлар, сахналар ва ҳатто ҳарфлар ва рақамлар яширин (*ботиний*) маънога эга. Мандала, фаллик устун ёки худолар ва маъбудаларнинг антропоморфик тасвирлари ҳиндулар учун алоҳида диний аҳамиятга эга бўлгани каби, хоч, чормихга тортиш сахнаси ва Масихнинг ҳайкали насронийлар учун кучли рамзлардир. Шунга кўра, уларнинг далиллари томошабин томонидан қабул қилиниши ва тушунилиши лозим бўлган маъноларнинг бойлигини кўргазмалли ифодаловчи ўзига хос “Исломий тимсоллар” борлигини таъкидлайди. Ушбу олимлар гапирадиган мотивлар ёки рамзлар Ислом маданиятига хос деб ҳисобланса-да, эстетик мантиқ бошқа баъзи бадиий анъаналарга хос бўлган билан бир хилдир. Гумбазни осмон гумбази деб ҳисоблаш кераклиги таъкидланади.²⁰ Гилам ўртасида жойлашган медальон жаннатга ўтишни ифодалайди.²¹ Қўлэзма ёритилишнинг кўк ранги – чексизлик рамзи, Худонинг рамзи.²² Ҳукмдор номини ўз ичига олган эпиграфик безак сиёсий давлатнинг рамзий ўрнини босади²³ ёки ҳатто Аллоҳнинг намоёнидир.²⁴ Ҳатто бўшлиқ ёки “очиқ жой” ҳам “Аллоҳнинг трансцендентлиги ва Унинг ҳамма нарсада мавжудлигининг рамзи” сифатида қаралади.²⁵

Бу том маънодаги рамзий мазмундаги барча сифатлар Ислом санъатининг моҳиятига ва унинг мавҳум сифатига зиддир. Ислом санъати трансцендент олами ҳақидаги барча ғояларни рад этган ва қоралаган сомиий муҳитида туғилган ва ривожланган.



Масжиднинг таиқи деворининг тафсилоти. Фос, Марокаш

Бу *тавҳид* мафқурасига асосланган санъат бўлиб, уни табиат ва Худо ўртасидаги ҳақиқий ёки хаёлий алоқалар билан эстетик жиҳатдан ифодалаб бўлмайди. Бундай алоқа ширкнинг бир тури ёки бошқа мавжудотлар ва нарсаларнинг Аллоҳ билан “шериклик” бўлар эди. Исломда эса бу энг жирканч амалиёт ва катта гуноҳ деб тан олинган. Ушбу эътиқодлар ва дастлабки шартлар Ислом дини ва маданиятида ноёб асимволик (рамзий бўлмаган) сифатни келтириб чиқарган. Ҳатто Ислом маросимлари ҳам рамзий эмас, балки табиатан функционал эканлиги тез-тез таъкидланган. Намозга чақириш ва ҳатто миноранинг ўзи ҳам рамзий товуш ёки кўриш унсурлари эмас. Шунга кўра, улар мусулмонларнинг куннинг маълум вақтларида ибодат қилиш учун тўпланишига ёрдам берадилар ва бу амалиётни осонлаштирадиган меъморий бўғин ҳисобланади.²⁶ Масжиднинг




Харита 29. Ас Сафақсийга кўра ер тасвири (4/10-аср)


меҳроб жойи ибодат қилувчилар томонидан алоҳида эҳтиромли муносабатга сабаб бўлмайди, чунки бу жой масжиддаги бошқа жойлардан муқаддасроқ эмас.²⁷ Кўпинча ғайримусулмонлар томонидан Ислом билан боғланган ярим ой Ислом маданиятида иймон тимсоли сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдир,²⁸ деб белгиланади. Тўғрироғи, бу европаликлар Ислом динининг рамзи деб адаштирган Усмонли қўшинининг нишонидир. Хоч насронийликни анча олдин рамзий қила бошлаганлиги сабабли, улар Ислом ҳам ярим ойни худди шундай рамз сифатида қабул қилган деган хулосага келганлар.

Шубҳасиз, бу фактлар мусулмон бўлмаганларга ҳам, Ислом санъатининг мусулмон билимдонларига ҳам маълум. Шу сабабли, олимлар ушбу санъатни маданиятнинг қолган қисмига тўғри келмайдиган тарзда ўжарлик билан талқин қилишда давом этишлари ғайри табиий. Қуйидаги фаразиялар (гипотезалар) уларнинг Ислом санъатидаги эстетик маънонинг бундай изоҳларига содиқлигини тушунтиришга ёрдам бериши мумкин. Фаразиялардан бири, муаллифлар санъатнинг Ғарбий талқинлари билан шунчалик сингиб кетганки, улар Ислом санъати билан шуғулланаётганда ушбу цивилизацион ишқибозликлар ва


нотўғри тушунчалардан қочиш қийин ва деярли имконсиздир. Афсуски, Европанинг насроний санъатни талқин қилиш учун идеал бўлиши мумкин бўлган дастлабки шартлар, эҳтимол, Ислом санъати соҳасига, яъни улар аниқ ноўрин бўлган жойга кўчирилган. Бу, албатта, умуман қиёсий ва маданиятлараро тадқиқотлар, хусусан Ислом санъати бўйича ўта эҳтиёткорлик, чуқур билим ва эмпатия (ҳамдардлик) кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди.



Ислом санъатининг рамзий талқини бўйича сўнгги нашрлар кўп эканлигининг иккинчи сабаби шундаки, эстетика ва санъат тарихи соҳаларида ё Ғарб олимлари, ё Ғарб таълимини олганлар устунлик қилади. Бу соҳа истеъдодларни кам миқдорда жалб қилганлиги учун мусулмон дунёсида қуйи ҳурматга эга бўлган. Бу эса муқаррар равишда уни бегона одамлар томонидан ўзлаштиришига олиб келган. Мусулмон оламидаги колледж ва университетлар эстетика ва санъат тарихини ўрганишга бепарво бўлганлиги сабабли, бу фанларга қизиққан мусулмонлар ҳеч бир истисносиз Ғарб ўқитувчилари ва Ғарб санъат тамойиллари таъсири остида Ғарб муассасаларида таҳсил олишган. Шу боис, мусулмон олимлар, хоҳ динни қабул қилганлар бўлсин, хоҳ келиб чиқишига кўра мусулмонлар бўлсин, кўпинча мусулмон бўлмаган ҳамкасблари сингари Ислом санъатининг ташқи бузилишларига дуч келишмоқда.



Харита, 30. Ибан Юнис ал-Мисрийга кўра ер кўриниши (339/951)




*Султон Қайт Бой мақбараси гумбазидаги (Қуръондан)
ўйилган хаттотлик беаги, Қоҳира. (милодий 1472-1474)*

Сўнгги пайтларда Ислom санъатининг ўзига хос мавхум сифатига зид бўлган очик-ойдин рамзий мазмуннинг берилишининг учинчи сабаби ҳам бор. Бу сўфийликнинг, яъни Ислom ичидаги тасаввуф оқимининг таъсиридир. Тасаввуф диннинг шахсий, ботиний тажрибасига урғу беришдан ташқари, диннинг сирли, эзотерик ва сеҳрли фазилатларини таъкидлайдиган таълимот ёки эътиқоддир. Бундай ғоялар Ислomда, шунингдек, Христианлик, Ҳиндуийлик, Жайнизм, Яхудийлик ва бошқа диний анъаналарда мистик тафаккур учун тўғри келади. Мутасаввифлар одатда ҳарфлар, сўзлар ва иборалар, шунингдек, барча турдаги мотив ва шаклларга яширин маъноларни беришган. Турли йўллар билан илоҳ билан бирлашишга интилишганлиги сабабли, улар ортодоксал Ислom ва тавҳиднинг ажратиб турадиган белги бўлган трансцендент ва табиий оламлар ўртасидаги аниқ фарқни сақлашда унчалик эҳтиёткор бўлмаганлар. (16-бобга қаранг)

Ислом тарихида бундай ғояларнинг мавжудлиги ёки улар ўзлари билан киритган муайян яширин амалиёт ва талқинларнинг тарқалишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин Ислом санъати деб номланувчи бутун ҳодисани тушунтириш учун бу фактларни инкорэтмаслик керак. Тасаввуфчилар Муҳаммаднинг ўзи сўфийлик асосчиси деб даъво қилишга уринишган бўлса-да, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам вафотидан кейин бир неча аср ўтгач, бу ҳаракат кучли статистик аҳамиятга эга бўлди.

Ислом тарихининг маълум даврларида Ислом санъатининг келиб чиқиши, кенг тан олиниши ва бутун тарихини тушунтириш ишлари олиб борилган. Шак-шубҳасиз, Ислом санъатининг мавжудлиги милодий биринчи асрдаёқ, яъни, тасаввуф таъсири кенг тарқалишидан олдинги даврда яққол намоён бўлган. Қуддусдаги Абдулмаликнинг Қуббат ас-Сахро (Қоя гумбази (71/691) сўфийлик тарқалишидан ва Ислом санъатига сўзма-сўз рамзийлик талқинларини қўша бошлаганидан анча илгари Ислом санъати ёки Қуръон санъатининг барча таркибий қисмларига ва хусусиятларига эга бўлган. Қоя гумбази, албатта, тасаввуфга асосланган Ислом мафқурасининг маҳсули эмас эди. Бинобарин унга бутун Ислом динига мос келадиган эстетик талқин берилиши зарур.

Айрим тасаввуф (ҳам диний, ҳам ижтимоий) гуруҳлари мусулмон оламининг деярли кўпчилигида тасаввуфни қоралаган. Ислом модернистлари тасаввуфнинг ёпик, ўзига хос бўлган шахсий мойилликларини мусулмон халқларини ички ва ташқи кучлар босиб олиши ва таназзулга учрашининг асосий сабабларидан бири деб ҳисоблашган. Таъкидланишича, шахсий тақводорликка ҳаддан ташқари урғу бериш шахсий ва жамоавий ютуқлар, ривожланиш ва тараққиётга анъанавий Исломий эътибор бериш орқали эришилган. Ушбу баҳолаш дин ва дунё ўртасидаги ҳамкорлик интилишини камайтирган ва бунинг ўрнига охират ҳақида ҳаддан ташқари ташвиш туғдирган. Бас, сўнгги Исломий ислоҳот ва уйғониш ҳаракатлари сўфийликка қарши чиқишга мойил. Замонавий мусулмон умматининг бошқаруви эса, асосан, тасаввуф бўлмаган ёки ҳатто тасаввуфга қаршидир.



*Эски мадрасадаги ҳовли,
Марокаш шаҳри, Марокаш*

Мусулмон дунёсида яшовчи мусулмонларнинг аксарияти тасаввуф биродарлиги тарафдорлари бўлмаса-да, шунингдек, мусулмон оламида кўпчилик ушбу ташкилотлар ва уларнинг фаолиятига қандайдир шубҳа билан қарашса-да, албатта Исломнинг тасаввуф ҳаракати ўлик деб айтиш хато бўлади. Бироқ, тасаввуфнинг Мўғул босқини ва Салиб юришлари вайронгарчиликларидан кейин одамлар устидан бўлган куч, шунингдек, кейинги ҳокимиятнинг пасайиши ва сиёсий парчаланишнинг кучайиши пайтида кўрсатган таъсири, энди унчалик зарур эмас. Дарҳақиқат, тасаввуф асосан Европа ва Америкада, хоҳ ҳақиқий жамоаларда, хоҳ илмий манфаатлар, тадқиқотлар ва нашрларда бўлмасин, ривожланади. Айнан ўша ерда мусулмон сўфийлар “кўнгли бўш”ни (бошқаларнинг муаммоларини тинглашга тайёр бўлган кишини) топадилар, ҳамда куч ва обрўга эришадилар. Айнан ўша ерда собиқ диний урф-одатларидан узилиб қолган ва диний ришталарсиз ўз холига ташлаб қўйилган ғарбликлар Исломий тасаввуфнинг экстатик ва экзотик амалиётига қизиқиш билдириб, унинг ички руҳга эътиборини қўллаб-қувватлашган. Христиан ёки яҳудий сўфийликнинг махфий тажрибаси (дастлабки шартлари) ғарбликлар учун Исломнинг тасаввуф унсурларига кўприк бўлиб тез-тез хизмат қилмоқда. Ҳақиқатан, сўнги ўн йилликларда Исломни қабул қилган англосаксларнинг кўп қисми Исломга тасаввуф таъсири остида киришган. Ислом санъатининг рамзий талқинларини

баён қилувчи асарлар муаллифлари асосан Ғарбнинг юқори табақали, оқ танли, ўқимишли динни қабул қилувчиларнинг ушбу гуруҳига мансуб бўлган (мусулмон бўлмаган ҳам) Ғарб ҳамкасблари эдилар.

Сўнгги асарларнинг том маънода рамзий, тасаввуф талқинлари мусулмон халқларининг эстетик онги ва ижодида чуқур илдиз отган мавҳумликка қаршилиқ қилади. Улар, шунингдек, илохий имманентликка (доимий хусусияти) ишора қилувчи ёки илохий трансцендентликни обрўсизлантирадиган ҳар қандай амалиётга Исломий ёқтирмасликларига зиддир. Гарчи Ғарбда маълумот олган олимни ва мутасаввифни жалб қилишлари мумкин бўлса-да, улар Ислом санъатини ҳар томонлама ва ички изчил талқин қилиш зарурлигини қондирмайдилар.

Ислом санъатининг мақбул назарияси – бу ўз дастлабки шартларини бегона урф-одатлар томонидан ўрнатилганларга эмас, балки дин ва маданиятга ички омиллар билан боғлайдиган назария. Шунингдек, бу, ушбу маданиятга таъсир қилувчи иккиламчи ёки тасодифий унсурларга эмас, балки энг муҳим нарсаларга асосланган назариядир. Бундай талабларни инобатга олган ҳолда, Қуръони Карим эстетик ижодкорлик учун тайёр ва мантиқий илҳом манбаи ҳисобланади. Қуръон Ислом маданиятининг бошқа жабҳаларига қандай таъсир қилган бўлса, санъатга ҳам худди шундай таъсир кўрсатган. Қуръонда эстетик жиҳатдан ифода этилиши лозим бўлган хабар бор, шунингдек, унинг адабий шакли ва мазмунининг олтига хусусияти билан тасдиқланган, уни изҳор қилиш усули ҳам мавжуд. У ҳатто ўз иборалари ва парчаларини санъат иконографияси учун энг муҳим мавзу сифатида тақдим этган. Демак, Ислом санъатини ҳақли равишда “Қуръоний санъат” деб аташ мумкин.

ИЗОҲЛАР

1 Ушбу салбий фикр қуйидаги каби баёноتلар билан тасдиқланади: “Яккахудолик ҳақидаги Ислому таълимоти ва у билан боғлиқ бўлган ширк ёки илоҳийлаштириш таҳдиди барча тасвирий санъатни тақиқлашни талаб қилган. Ибодат соҳасида Ислому шакл ва тасвир, мусиқа ва иконографиянинг бадий завқланишига кўпинча пуританик қатъийлик билан тўлиқ ман қилади”. (Кеннет Крэгг, Ислому уйи. [Белмонт, Калифорния: Уодсворт Паблицинг Ко, 1975], 15-бет) Асл нусха: Kenneth Cragg, *The House of Islam* [Belmont, California: Wadsworth Publishing Co., 1975], p. 15.

2 Гарчи Худонинг сифатлари чексиз эканлиги назарда тутилган бўлса ҳам, улар анъанавий равишда тўқсон тўққиз деб ҳисобланади.

3 Исмоил Р. Ал-Форуқий, Ислому ва Маданият (Куала Лумпур: Ангкатан Белиа Ислам Малайзия, 1980), 44-бет. Асл нусха: Ismaʼil R. al Fārūqī, *Islam and Culture* (Kuala Lumpur: Angkatan Belia Islam Malaysia, 1980), p. 44.

4 “Ислимий” тор маънода араблар/мусулмонлар томонидан яратилган барг ва ток новдасига ўхшатишга ўзига хос расми сифатида аниқланмоқда. Эрнст Кюнелнинг сўзларига кўра, ўн тўққизинчи асрнинг охирида Алоиз Ригль китоб ёзган, унда бу атаму дизайннинг ушбу тоифаси билан чекланган. (Ислимий: Нақшнинг маъноси ва ўзгариши, таржимон Рихард Эттингхаузен [Грац, Австрия: Верлаг фюр Саммлер, 1949], 4-бет) Асл нусха: *The Arabesque: Meaning and Transformation of an Ornament*, tr. Richard Ettinghausen [Graz, Austria: Verlag für Sammler, 1949], p. 4. Одатда, у кенг маънога эга бўлиб, бир қатор безак нақшларини, шу жумладан, хаттотлик, геометрик ва ўсимлик нақшларини ўз ичига олган. Ушбу атаму учун янада кенгрок маъно Лоис Ибсен Ал-Форуқий томонидан “Араб импровизацион мусикасида нақшлаш: санъатнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш” асарида айтилган, Мусиқа Олами, 20 (1978), 17-32-бет. Шунингдек, “Айо София ибодатхонаси режасини исломулаштириш”, Ислому санъатининг умумий тамойиллари, шакллари ва мавзуларига бағишланган симпозиумда тақдим этилган маъруза. Истанбул, Апрель, 1984; Исмоил Р. Ал-Форуқий, “Ислому ва Санъат”, Студия Исламика, 37 (1973), 102-103-бет (Асл нусха: “Ornamentation in Arabian Improvisational Music: A Study of Interrelatedness the Arts”, *The World of Music*, 20 (1978), pp. 17–32; idem, “The Islamization of the Hagia Sophia Plan”, paper delivered at the Symposium on The Common Principles, Forms, & Themes of Islamic Art, Istanbul, April, 1984; Ismaʼil R. al Fārūqī, “Islam and Art”. *Studia Islamica*, 37. (1973), pp. 102–103)

5 Эрнст Кюнел, Ислимий: Нақшнинг маъноси ва ўзгариши.

6 Эрнст Кюнел, “Ислимий”, Ислому комуси, янги нашр (Лейден: Брилл),

1-жилд, 558-561-бет. Асл нусха: Ernst Kühnel, “Arabesque”, *The Encyclopaedia of Islam*, new ed. (Leiden: E. J. Brill), Vol. I, pp. 558–561.

7 Батафсил маълумот учун муҳокамани қаранг: Лоис Ибсен Ал-Форуқий “Санъатда рамзийлик ҳақида Исломий қараш: мажозий тасаввур ҳақида янги фикрлар», Санъат, ижодкорлик ва дин, ношир: Диана Апостолос Кападона (Нью-Йорк: Кроссроад Паб. Ко., 1983), 164-178-бет. Асл нусха: Lois Ibsen al Fārūqī, “An Islamic Perspective on Symbolism in the Arts: New Thoughts on Figural Representation”, *Art, Creativity, and Religion*, ed. Diane Apostolos Cappadona (New York: Crossroad Pub. Co., 1983), pp. 164–178.

8 Франц Боас, Ибтидоий санъат. (Осло: Самменлингенде Културфорскнинг институти, 1927) Асл нусха: Franz Boas, *Primitive Art*. (Oslo: Instituttet for Sammenlignende Kulturforskning, 1927)

9 Нодир Ардалан ва Лале Бахтиёрнинг “Бирлик туйғуси: Форс меъморчилигидаги сўфийлик анъанаси” китобидаги Исфаҳон шаҳри таърифи қаранг (Чикаго, 1973), 97-бет ва ҳоказо. Асл нусха: Nader Ardalan and Laleh Bakhtiar, *The Sense of Unity: The Sufi Tradition in Persian Architecture* (Chicago, 1973), pp. 97ff.

10 Ўша ерда, 95-бет.

11 Маршалл Г.С. Ходжсон. Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” тавсифини “Ислом саргузашти” китобидан қаранг (Чикаго: Чикаго университети матбуоти, 1974), 2-жилд, 248-249-бетлар. Асл нусха: Marshall G. S. Hodgson’s description of Jalāluddīn Rūmī’s *Mathnawī* in *The Venture of Islam* (Chicago: University of Chicago Press, 1974), Vol. II, pp. 248–249.

12 Эрнст Диц “Ислом санъатининг услубий таҳлили”, *Арс Исламика*, 5 (1938), 36-бет; Артур Апхем Поуп, Форс меъморчилиги: шакл ва рангнинг зўр ғалабаси (Нью-Йорк: Джордж Бразиллер, 1965), 81-бет. Асл нусха: Ernst Diez, “A Stylistic Analysis of Islamic Art”, *Ars Islamica*, 5 (1938), p. 36; Arthur Upham Pope, *Persian Architecture: The Triumph of Form and Color* (New York: George Braziller, 1965), p.81.

13 Дэвид Талбот Райс, «Исломий металлга ишлов бериш бўйича VI тадқиқотлар», Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг маълумоти (Лондон университети), 21 (1958), 225-253-бет. Асл нусха: David Talbot Rice, “Studies in Islamic Metal Work—VI”, *Bulletin of the School of Oriental and African Studies* (University of London), 21 (1958), pp. 225–253.

14 И. Р. Ал-Форуқий, “Ислом ва Санъат”, 95-98-бетлар.

15 Лоис Ибсен Ал-Форуқий “Рақс Ислом маданиятининг ифодаси сифатида”, рақс тадқиқотлари журнали, 10 (баҳор–ёз, 1978), 6-13-бетлар. Асл нусха: Lois Ibsen al Fārūqī, “Dance as an Expression of Islamic Culture”, *Dance Research Journal*, 10 (Spring–Summer, 1978), pp. 6–13.

16 Али Б. Усмон Ал-Жуллубий Ал Хужвирий, Кашфул Маҳжуб. Таржимон: Рейнолд А. Николсон, Э. Дж. У. Гиббнинг 17-чи Хотира серияси (Лондон: Лузак ва Ко, 1976), 396-397-бетлар. Асл нусха: ‘Alī B. ‘Uthmān Al-Jullābī Al Ḥujwīrī, *Kashf Al-Mahjūb of Al Ḥujwīrī*, tr. Reynold A. Nicholson, in E. J. W. Gibb Memorial Series, 17 (London: Luzac & Co., 1976), pp. 396–397.

17 Джованни Гарбини, Қадимги Дунё (Нью-Йорк: МакГроу-Хилл, 1966); Андре Парро, Осурия Санъати, таржимонлар: Стюарт Гилберт ва Джеймс Эммонс (Нью-Йорк: Голден Пресс, 1961); Буюк шох: Осурия кироли, Чарльз Уиллернинг фотосуратлари. (Нью-Йорк: Метрополитен-музей, 1945) Асл нусха: Giovanni Garbini, *The Ancient World* (New York: McGraw-Hill, 1966); André Parrot, *The Arts of Assyria*, tr. Stuart Gilbert and James Emmons (New York: Golden Press, 1961); *The Great King: King of Assyria*, photographs by Charles Wheeler. (New York: Metropolitan Museum of Art, 1945)

18 Рене А. Бравманн, Африкадаги Ислом (Вашингтон, Колумбия округи: Смитсоиан Институти Матбуоти, 1983), 1-боб; ва Клиффорд Гирц, “Санъат маданий тизим сифатида”, *Замонавий тил ёзма хотиралари*, 91 (1976), 1489-1490-бетлар. Асл нусха: René A. Bravmann, *African Islam* (Washington, D. C.: Smithsonian Institution Press, 1983), chap. 1; and Clifford Geertz, “Art as a Cultural System”, *Modern Language Notes*, 91 (1976), pp. 1489–1490.

19 Масалан, Мартин Лингс, Куръон хаттотлик ва ёритиш санъати (Лондон: “Ислом олами” фестивали фонди, 1976); Титус Буркхард, Ислом Санъати (Лондон: “Ислом олами” фестивали фонди, 1976); Надер Ардалан ва Л. Бахтиёр, “Бирлик ҳисси” (Чикаго: Чикаго университети матбуоти, 1973); Энтони Уэлч, Муслмон дунёси санъатидаги хаттотлик (Остин: Техас университети матбуоти, 1979); Эрика Крюкшенк Додд, “Сўзнинг тасвири”, *Беритус* 18 (1969), 35-58-бетлар; Сейид Ҳоссеин Наср, “Ислом санъати ва меъморчилигидаги бўшлиқнинг маъноси”, *Исломий уч ойда бир чиққан нашр*, 16 (1972), 115-120-бетлар; Аннемари Шиммель, “Исломда ёзма рамзийлик”, “Ислом санъати оламидан: Эрнст Кюнель учун юбилей мақоласи” китобидан, муҳаррир Рихард Эттингхаузен (Берлин, 1959), 244-254-бетлар; Шуйлер ван Р. Камманн, “Шарк гилам нақшларида рамзий маънолар”, *Тўқимачилик музейи журнали*, 3 (1972), 5-54-бетлар; “Сангушко гуруҳи гиламларидаги космик рамзийлик”, Рихард Эттингхаузен шарафига Яқин Шарк санъати ва адабиёти бўйича тадқиқотлар, таҳрир Питер Ж. Челковски (Солт Лейк-Сити ва Нью-Йорк, 1975), 181-208-бетлар. Асл нусхалар: Martin

Lings, *The Quranic Art of Calligraphy and Illumination* (London: World of Islam Festival Trust, 1976); Titus Burckhardt, *The Art of Islam* (London: World of Islam Festival Trust, 1976); Nader Ardalan and L. Bakhtiar, *The Sense of Unity* (Chicago: University of Chicago Press, 1973); Anthony Welch, *Calligraphy in the Arts of the Muslim World* (Austin: University of Texas Press, 1979); Erica Cruikshank Dodd, "The Image of the Word", *Berytus* 18 (1969), pp. 35–58; Seyyed Hossein Nasr, "The Significance of the Void in the Art and Architecture of Islam", *The Islamic Quarterly*, 16 (1972), pp. 115–120; Annemarie Schimmel, "Schriftsymbolik im Islam", in *Aus der Welt der islamischen Kunst: Festschrift für Ernst Kühnel*, ed. Richard Ettinghausen (Berlin, 1959), pp. 244–254; Schuyler van R. Cammann, "Symbolic Meanings in Oriental Rug Patterns", *The Textile Museum Journal*, 3 (1972), pp. 5–54; idem, "Cosmic Symbolism on Carpets from the Sanguszko Group", *Studies in Art and Literature of the Near East in Honor of Richard Ettinghausen*, ed. Peter J. Chelkovski (Salt Lake City and New York, 1975), pp. 181–208.

20 Буркхард, "Ислом Санъати", 4-бўлим.

21 Камманн, "Рамзий маънолар" ва "Гидамлардаги космик рамзийлик".

22 Лингс, "Қуръон санъати", 76-77-бетлар.

23 Уэлч, "Хаттотлик", 23-бетлар.

24 Ўша ерда.

25 Наср, "Ислом санъати ва меъморчилигидаги бўшлиқнинг маъноси", 116-бет.

26 Христианликдаги сирли ибодатлари ва ҳиндуийликдаги ичкилик назр қилиш маросимларидан фарқли ўлароқ.

27 Католик собори алтари (қурбонлик қилинадиган жой) ва Ҳинд ибодатхонасидаги Худонинг ҳайкали маъносидан фарқли ўлароқ.

28 Томас Арнольд, "Символизм ва Ислом", *Берлингтон журнали*, 53 (1928 йил, июль-декабрь), 155-156-бетлар. Асл нусха: Thomas Arnold, "Symbolism and Islam", *The Burlington Magazine*, 53 (July-Dec., 1928), pp. 155–156.

ИСМОИЛ АЛ-ФОРУҚИЙ (1986-йилда вафот этган) фа-
ластинлик-америкалик файласуф, кўрувчи ва қиёсий дин-
шунослик бўйича эътиборли одам бўлган. Буюк замонавий
ислом олими, унинг билимдонлиги дин, Ислом тафаккури,
билимга ёндашувлар, тарих, маданият, таълим, динлараро
мулоқот, эстетика, ахлоқ, сиёсат, иқтисод ва фан каби соҳа-
ларни қамраб олувчи исломшуносликнинг бутун спектрига
тарқалган. Шубҳасиз, у XX асрнинг буюк мусулмон алло-
маларидан биридир.

*Ислом цивилизациясининг ҳар қандай жиҳатини кўриб
чиқишида унинг мавжуд бўлиши сабаби ва ижодий асослари
Қуръонга асосланган деб қаралиши керак. Ислом маданияти,
аслида, “Қуръон маданиятидир”, чунки унинг таърифлари,
тузилмалари, мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиши усул-
лари Аллоҳ Таоло томонидан Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу
алайҳи васалламга юборилган ваҳийлардан келиб чиқади. Ушбу
ваҳийсиз маданият пайдо бўлиши мумкин эмасди. Ушбу ваҳий-
сиз на Ислом дини, Ислом давлати, Ислом фалсафаси, Ислом
ҳуқуқи, Ислом жамияти ва на исломий сиёсий ёки иқтисодий
ташкilot бўлиши мумкин эди. Ислом маданиятининг ушбу
жиҳатлари, унинг асоси ва мотивациясида, ҳақли равишида
Қуръоний деб қаралиши мумкин бўлганидек, Ислом цивилиза-
цияси санъати ҳам амалга оширилиши ва мақсади жиҳатидан
ўхшашлиги ва амалга оширилишининг эстетик ифодаси си-
фатида қаралиши лозим. Ҳа, Исломий санъатлар, албатта,
Қуръон санъатларидир. Хўш, қандай қилиб Ислом санъатини
ранг, чизик, ҳаракат, шакл ва товушидаги “Қуръоний” ифода-
си бор деб ҳисобласа бўлади? Мазкур мавзу эса ушбу китобда
кўриб чиқилади.*

